
Чўлюнусда электр таъминоти яхшиланади

Бағдод туманида қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, туманнинг "Чўлюнус" маҳалла фуқаролар йиғинида электр таъминоти билан боғлиқ кўп йиллик муаммоларни бартараф этишга киришилди.

- Қарорга асосан, маҳалла ҳудудига 27 дона темир-бетон таянчлар ўрнатиш ҳамда 1.1 км узунликда 0.4-10 кВ ли электр узатиш тармоғини барпо этиш режалаштирилган, - дейди туман электр таъминоти корхонаси раҳбари Давлатжон Собиров. - Шунга кўра, янги электр узатиш тармоғини қуриш учун мўлжалланган темир-бетон таянчларни ўрнатиш ишлари бошланди.

Режадаги ишлар тўлиқ якунлангач, ҳудуддаги 230 дан зиёд хонадонга электр энергияси етказиб беришдаги муаммолар батамом барҳам топади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-07-18 19:30:52